Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 7 ИЮНЬ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 115 (13.178)

Баҳоси эркин нархда

ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!



Ислом Исмоилов олган сурат

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан Тошкент шаҳрида жорий йилнинг 7-9 июнь кунлари "Биз буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида ёшлар фестивали ўтказилади. Шу муносабат билан Ёшлар ижод саройида матбуот анжумани ташкил этилди.

БИЗ БУЮК ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ!

Ушбу фестивалдан кўзланган мақсад ёшларни мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар, демократик ўзгаришлар билан яқиндан таништириш, уларда бу жараёнларга нисбатан дахлдорлик туйғусини шакллантириш, ёшларни "оммавий маданият"нинг салбий таъсирларидан асраш, уларни халқимизнинг миллий қадриятларига ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялашдан иборат.

Тадбирда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Ғаниев, Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Обидов ва бошқалар юртимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури доирасида Тошкент шаҳрида қилинаётган ишлар, ёшлар фестивалининг мақсад ва вазифалари, унинг доирасида ташкил этиладиган тадбирлар тўғрисида маълумот берди.

Уч кунга мўлжалланган ёшлар фестивали шаҳримизнинг барча туманларида алоҳида дастур асосида ташкил этилади. Унинг доирасида "Бу менинг Ватаним!", "Ҳоким ва ёшлар", "Одам савдоси – давр муаммоси", "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" сингари 20 га яқин тадбир ва лойиҳалар ўтказилади. Жойларда тарғибот тадбирлари юқори савияда ўтишини таъминлаш мақсадида маданият ва санъат арбоблари, эстрада хонандалари, кино ва театр актёрлари, ёш олимлар, шоир ва ёзувчилардан иборат тарғибот гуруҳлари тузилган.

– Мазкур фестиваль давлатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан ёшлар иштирокида ўтказилаётган энг катта тадбирлардан бири ҳисобланади, – дейди "Камолот" ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари Акмал Жумабоев. – Мазкур тадбир ёшларимизнинг аждодларимиз неча йиллар мобайнида интилиб яшаган ва курашган мустақиллик неъматининг қадр-қимматини теран идрок этиши, кенг кўламли ислоҳотларимиз, қўлга киритилган улкан ютуқларимизнинг туб моҳияти ва аҳамиятини англаб етишига хизмат қилади. Уларда ватанпарварлик, она юртига садоқат ҳиссини кучайтириб, бирдамликка, аҳилликка чорлайди.

Фестивалда муносиб иштирок этган ёшлар ҳамда ташкилий ишларда фаоллик кўрсатган ҳамкорлар тадбирнинг якуний гала-концертида муносиб тақдирланадилар.

Анжуман давомида иштирокчилар фестиваль доирасида ташкил этиладиган тадбир ва лойиҳаларнинг мазмун ва моҳияти, уларни амалга ошириш механизмлари билан таништирилди. Шунингдек, "Биз сенинг фарзандларингмиз, Ўзбекистон" деб номланган фотосуратлар кўргазмаси ташкил этилди.

Абдували СОДИҚОВ

Мамлакатимизда тараққиётнинг "ўзбек модели" асосида узоқни кўзлаб ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар ҳар қандай, ҳатто, жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган глобал инқироз шароитида ҳам ўз самараларини бериб келаяпти. Дунё молия бозорида мураккабликлар давом этаётган ҳозирги вазиятда юртимиз барқарор юксалиш йўлидан оғишмай бораётгани эса янада қувонарлидир. Бинобарин, бундай муваффақиятлар халқаро ҳамжамиятнинг юқори баҳоларига сазовор бўлаётир.

"ЎЗБЕКИСТОНДА РИВОЖЛАНИШНИНГ САМАРАЛИ СТРАТЕГИЯСИ ТАНЛАНГАН"

Хусусан, таниқли бизнесмен, "Mitsubishi Corporation" корпорацияси бошқаруви аъзоси Хидето Накахара "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида Ўзбекистон дунёнинг жадал ривожланаётган давлатларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлади. Унинг айтишича, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамон давом этаётганига қарамасдан, Ўзбекистон макроиқтисодий ўсишнинг юқори суръатларига эришмоқда.

"Бу мамлакатда узоққа мўлжалланган ривожланишнинг самарали стратегияси танланганини яна бир карра тасдиқлайди", дейди у.

Япониялик менежер юртимизда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш борасида тизимли ишлар олиб борилаётгани изчил тараққиётнинг муҳим омили эканлигини қайд этди.

— Натижада миллий иқтисодиётга жалб қилинаётган хорижий сармоялар ҳажми йилдан-йилга ортиб, жаҳон бозорига рақобатдош ва сифатли маҳсулотлар етказиб берадиган замонавий корхоналар барпо этилаяпти, — дейди жаноб Накахара. — Ўзбекистонда индустриал секторни модернизациялаш, унга илғор технологияларни кенг жорий қилиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар истиқболда ҳам иқтисодий ўсиш изчиллигини таъминлайди.

Мамлакатингизнинг барча соҳада эришаётган ютуқлари бизни қувонтиради. Япония республикангиз билан стратегик шериклик муносабатларини юксак даражада қадрлайди. Биз ана шу ўзаро манфаатли ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш ва уни кенгайтириш ниятидамиз.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, 1954 йилда ташкил топган "Mitsubishi Corporation" "Кунчиқар юрт"нинг энг йирик корпорацияларидан бири ҳисобланади. Унинг фаолияти молиявий хизматлар, сармоялар, машинасозлик, банк бизнеси, кимё ҳамда озиқ-овқат саноати ва бошқа қатор жабҳаларни қамраб олган. Дунёнинг 90 давлатида ушбу бренд бўлимлари очилган бўлиб, уларда 60 мингдан зиёд киши меҳнат қилади.

«Жаҳон» АА.
Токио

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар – 2016" мавзуида ижтимоий сўров ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2016 йил 5 мартдаги "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига асосан шу кунларда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтмоқда.

Шу муносабат билан ўтказилган сўровда мамлакатимизнинг барча ҳудудлари қамраб олинди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маҳалла институти фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг таъсирчан кучи бўлиб хизмат қилишига алоҳида эътибор қаратилди. Натижада ушбу ноёб тузилма амалга оширилаётган "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилининг амалий ифодасига айланиб, кенг оммани давлат, ҳокимият идоралари билан боғлаб турувчи мустаҳкам кўприк вазифасини ўтамоқда.

Ўтган давр мобайнида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда талабчанликни кучайтириш мактабига айланди.

Жорий йилги фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тегишли қонунчилик нормалари талабларига мувофиқ, жамиятимизни демократлаштириш ва ислоҳ этиш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнлари чуқурлашиб бораётган, сифат жиҳатидан янги ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий шароитда ўтаётир.

Сайловга тайёргарлик кўриш жараёнида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини тўла-тўкис рўёбга чиқариш учун ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратилди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни ошкоралик, муқобиллик ва тенг сайлов ҳуқуқи принциплари асосида тайёрлаш ва ўтказишни кенг ёритиш бўйича самарали ахборот-таҳлил ишлари олиб борилмоқда. Сайлов жараёнига ёшлар ва хотин-қизлар кенг жалб этилди, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун барча зарур шарт-шароит таъминланди.

Сайлов билан боғлиқ кенг кўламли чора-тадбирлар сўровда иштирок этган аксарият фуқаролар томонидан ижобий баҳоланди. Турли ижтимоий қатламга мансуб фуқароларнинг деярли барчаси мустақиллик йилларида маҳалла институтининг нафақат маънавий, балки сиёсий, иқтисодий, ижтимоий масалаларни ҳал этишдаги ўрни мустаҳкамланганини алоҳида қайд этди. Сўров иштирокчиларининг 96,8 фоизи маҳалланинг ўзи ҳамда оиласи ҳаётида муҳим ўрин тутишини, истиқомат қилаётган ҳудудида осойишталик, барқарорлик, ободлик таъминланишида, демократик тамойиллар қарор топишида муҳим роль ўйнаётганини билдирган.

Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови мамлакатимизда шаклланган демократик сайлов тизимининг узвий қисми бўлиб, унда фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этади. Сўров иштирокчилари бу энг муҳим ҳуқуқлардан бири, деб ҳисоблайди.

Аҳолининг аксарияти (91,6 фоизи) айни пайтда мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтаётганидан хабардор.

(Давоми 2-бетда)

МАҲАЛЛА САЙЛОВИ: ҲЕЧ КИМ БЕФАРҚ ЭМАС

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қарши шаҳрида тубдан қайта реконструкция қилинган Амир Темур кўприги ва унинг атрофида барпо этилган гўзал хиёбон фойдаланишга топширилди. Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган бу тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, кенг жамоатчилик вакиллари, ёшлар иштирок этди.

● Сурхондарёда Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги ҳамда Соғлом она ва бола йилига бағишлаб "Ўзбекистон – умумий уйимиз" дўстлик ва маданият фестивали бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида ташкил этилган саломатлик ҳафталиги Андижон вилоятида ҳам юксак савияда ўтказилди.

● Тошкент давлат аграр университетида "Экоҳафталик – 2016" доирасида "Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида эришилган ютуқлар. Муаммолар, ечимлар ва соҳа ривожланишининг истиқболлари" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

● Фарғонада ирригация-мелиорация тизимида амалга оширилаётган ишларга бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан сув хўжаликлари, ҳавза бошқармалари, ирригация-мелиорация тизими мутахассислари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, лойиҳа институтлари раҳбарлари, мазкур тармоққа хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

● Бухорода травматология ва ортопедиянинг долзарб муаммоларига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Буюк Британиянинг автомобиль ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Bentley" компанияси томонидан навбатдаги тўртта янги модель намойиш этилди. Уларга қудратли двигателлар ўрнатилган бўлиб, барчаси 331 километр/соат тезликда ҳаракатлана олади.

● Испанияда ишсизлар сони ўтган йил августда қайд этилган энг паст даражага тушди. Айни пайтда уларнинг сони 4 миллиондан камроқ. Гап шундаки, май ойида иш қидириб юрганларнинг 120 минг нафари бандлиги таъминланган. Лекин мутахассисларнинг айтишича, бу вақтинчалик ижобий ҳолатдир.

● Япониянинг "Honda" автокорпорацияси томонидан ҳайдовчисиз ҳаракатланадиган транспорт воситаси тақдим қилинди. Айни пайтда Калифорнияда синовдан ўтказилаётган инновация ўзи автоматик тарзда жойидан қўзғалиб, тезлик олади, тўхтайди, қоидаларга риоя этади.

МАҲАЛЛА САЙЛОВИ:

ҲЕЧ КИМ БЕФАРҚ ЭМАС

(Давоми. Боши 1-бетда)

Маҳаллалар аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, айниқса, оилавий тадбиркорлик, касаначилик ва ҳунармандликни ривожлантиришга кўмаклашиш, ҳудудни ободонлаштириш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш каби ўттиздан зиёд вазифа ва ваколатларни амалга ошираётир. Ҳар бир инсон ҳаётига бевосита дахлдор бу масалалар ечими маҳаллага тегишли экани, бу борада маҳалла фаоллари изчил ишларни амалга ошираётганини сўровда иштирок этганларнинг 80 фоизи қайд этган.

Аҳоли бўлиб ўтаётган сайловларга алоҳида эътибор билан қараб, фуқаролар йиғини раисига муносиб номзод сайланишидан манфаатдор эканини билдирган. Маҳалла раислигига кимларнинг номзоди кўрсатилгани, уларнинг дастурида нималар кўзда тутилганини билишга қизиқиш бу галги сайловда сезиларли даражада кучайган. Деярли 80 фоиз аҳоли сайлов кампаниясида иштирок этиш ниятида эканини билдиргани шундан далолат беради.

Ижтимоий сўров натижалари яна шуни кўрсатдики, бўлиб ўтаётган сайловларда аёллар фаол иштирок этиш билан бирга, улар фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиси лавозимига сайланмоқда. Бу мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрни ва роли ортиб бораётганини кўрсатади.

Ижтимоий сўров қатнашчилари фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари маҳаллаларнинг гуллаб-яшнашига ҳисса қўшиши, аҳоли турмуш фаровонлиги янада ошиши учун жонбозлик кўрсатиш лозим, деб ҳисоблайди. Фуқароларимиз тинчлик, осойишталик, барқарорлик ҳар бир маҳалла, ҳар бир оилада қарор топиши Ватанимизнинг янада тараққий этишида мустаҳкам пойдевор эканини алоҳида таъкидлаган.

“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази маълумотлари асосида ЎзА мухбири Н.АБДУРАИМОВА тайёрлади

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2016 йил 5 мартдаги қарорига кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтмоқда.

ИШОНЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлимидан олинган маълумотларга кўра, шу кунгача пойтахтимизда 431 маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва 6173 маслаҳатчи сайланди. Фуқаролар ўзлари маъқул кўрган, маҳалла тақдири учун масъулиятни зиммасига олишга қодир номзодларни муқобиллик асосида сайламоқда.

Пойтахтимизнинг Яшнобод туманида 57 маҳалла фуқаролар йиғини бўлиб, айни пайтгача 47 маҳаллада сайлов юқори савияда ташкил этилди. Хусусан, тумандаги “Янги давр” маҳалла фуқаролар йиғинида сайловга пухта ҳозирлик кўрилди.

Янгидан қурилган маҳалла фуқаролар йиғини идорасида аҳолининг раис ва маслаҳатчиликка номзодлар ҳақида батафсил маълумот олиши учун уларнинг таржимаи ҳоли, дастурлари кўринарли жойга илиб қўйилди.

Сўнгги йилларда маҳаллада кенг кўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Маҳалла раиси, унинг маслаҳатчилари ва тадбиркорлар ташаббуси билан ҳудудда аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга кўмаклашиш борасида қатор хайрли амаллар бажарилди. Бундан маҳалла аҳли, айниқса, мамнун.

Сайловда маҳалла раислигига уч нафар номзод кўрсатилди. Вакиллар, йиғилиш иштирокчилари ҳар бир номзоднинг дастури билан танишгач, очиқ овоз бериш орқали мазкур маҳалла фуқаролар йиғини раиси лавозимида ишлаб келаётган Баҳром Худоёровни қайта сайлади. Маслаҳатчиликка номзоди кўрсатилган 34 киши орасидан обрўли, бошқаларга ўрнак бўла оладиган 17 киши маслаҳатчи этиб сайланди.

— Маҳалла институти халқимизга хос бошқарув анъаналарини акс эттириши, аҳоли ўртасида меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни, ҳудудда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга хизмат қилиши билан жамият ҳаётида муҳим ўрин тутади, — дейди ЎзА мухбирига сайлов иштирокчиси Абдуфаттоҳ Пўлатов. — Маҳалламизда бу йилги сайлов ўзгача руҳда ўтди. Сайловчилар сайланадиган раис ва унинг маслаҳатчилари ҳудудни ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш билан бирга, маҳалладаги ҳар бир инсон тақдири учун масъулиятни зиммасига олишга қодир муносиб номзодга овоз бериш лозимлигини теран англаган ҳолда сайловда қатнашди.

Г.САТТОРОВА

Инновациялар — тараққиётнинг муҳим омили

ОЛИМЛАРНИНГ ИШЛАНМАЛАРИ — АМАЛИЁТГА

Тошкент давлат аграр университетида қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантиришда олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ёш олимларининг роли мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирда университет проректори М.Одилов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, аграр тармоқни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор ушбу соҳаларда ёш олимларнинг лойиҳаларини оммалаштиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Тошкент давлат аграр университетида қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни ошириш ва соҳада илғор технологияларни жорий этишга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ёш мутахассислар томонидан яратилган қуёш энергияси ёрдамида мева-сабзавотларни қуритиш, турли фотоэлектрик қурилмалар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлигини ошириш, Ўзбекистон иқлим шароитида цитрус ўсимликларни жадал усулда кўпайтириш технологиялари, шахсий ёрдамчи ва деҳқончилик хўжаликларида қорамолларнинг сермаҳсул зотларини парваришлаш, экологик соф, тежамкор технологияларни жорий этишга доир лойиҳалар шулар жумласидандир.

Анжуманда юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашга жиддий ёндашиш, қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантиришда олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, фан ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам алоқасини таъминлаш борасидаги вазифалар ҳақида сўз юритилди.

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича ёш олимлар тайёрлаш сифати ва салмоғини юксалтириш, қайта тикланувчи энергия ва сувни тежаш технологияларидан қишлоқ хўжалигида фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш масалалари, илмий-техник дастурлар ҳамда инновацион ишланмалар каби мавзуларда маърузалар тингланди.

БИТИРУВЧИЛАР КАСБ ТАНЛАМОҚДА

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида пойтахтимиздаги касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар битирувчилари учун “Очиқ эшиклар куни” ўтказилди.

Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, институт профессор-ўқитувчилари, ўқувчи-ёшлар, ота-оналар иштирок этди.

Институт ректори М.Расулов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида ёшларнинг жаҳон андозалари даражасида билим олиши, қизиққан соҳалари бўйича касб-ҳунар эгаллашига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Тадбирда битирувчилар учун таълим йўналишлари бўйича очиқ дарслар ташкил этилди. Институтдаги мавжуд кафедралар фаолияти, ахборот-ресурс маркази, талабалар турар жойи, спорт иншоотларида ёшлар учун яратилган шароитлар тўғрисида батафсил маълумот берилди.

– Институтимизда мамлакатимиз темир йўл соҳаси учун мутахассислар тайёрланади, – дейди ЎзА мухбирига институт проректори Дилшод Баротов. – Ҳозир тўртта факультетда йигирма учта йўналиш бўйича талабалар таҳсил олмоқда. Мазкур тадбирда ёшлар темир йўл мутахассисликлари ва касблар тўғрисида маълумот олди.

– Темир йўл соҳасида ўқишни давом эттирмоқчиман, – дейди коллеж битирувчиси Суҳробхўжа Сайфуддинов. – Бу ерда таълим олиш учун яратилган шароитлар бизга жуда манзур бўлди. Мазкур институтга ҳужжатларимни топшириб, омадимни синаб кўрмоқчиман.

Ш.МАМАТУРОПОВА

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида “Солиқ билимдонлари – 2016” кўрик-танловининг мамлакат босқичи ўтказилди.



Ёлқин Шамсиддинов олган сурат

СОЛИҚ БИЛИМДОНЛАРИ КУЧ СИНАШДИ

Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари Э.Гадоев, “Камолот” ЁИҲ марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ф.Муҳаммаджонова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида солиқ соҳасини эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар аҳоли фаровонлигини юксалтириш, хўжалик фаолиятини юритиш шартларини яхшилаш ва ижтимоий лойиҳаларни рағбатлантиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Кўрик-танлов ёшларнинг солиқ қонунчилигига оид билимини мустаҳкамлаш, уларни солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларнинг аҳамияти тўғрисида хабардор қилишга ёрдам бераётир.

Танловнинг ҳудудий босқичларида 79 олий ўқув юрти жамоалари қатнашди. Унда ғолиб бўлган 8 жамоа финал босқичида ўз билимларини синовдан ўтказди.

Ҳакамлар ҳайъати томонидан иштирокчиларнинг чиқишларини баҳолашда мамлакатимизда шакллантирилган қулай ишбилармонлик муҳити, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун яратилган шарт-шароитлар, солиқ имтиёз ва преференциялари, истеъмолчилар ҳуқуқлари кафолатлари хусусидаги билимларга алоҳида эътибор қаратилди.

Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг “Аудитор” жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтининг “Қолқанат” жамоаси иккинчи, Андижон қишлоқ хўжалиги институтининг “Ўлпон” жамоаси учинчи ўринга лойиқ топилди.

Ғолиб ва совриндор жамоалар, шунингдек, фаол иштирокчилар диплом ва совғалар билан тақдирланди.

Н.НАСРИЕВ, ЎзА мухбири

Ёшлар фестивали

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб “Биз – буюк юрт фарзандларимиз!” деб номланган маданий-маърифий, экологик тадбир ташкил этилди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси ўринбосари С.Сангинов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислоҳотлар навқирон авлодни ҳар томонлама баркамол, миллий қадриятларимизнинг муносиб давомчилари этиб вояга етказишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

“Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурида бу йўналишда белгиланган чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этишда жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этаётир.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва унинг жойлардаги тузилмалари томонидан экологик таълимни ривожлантириш, ўғил-қизларни табиатга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш, жамоат экологик назорати юритиш тизимини ривожлантириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир.

Тадбирда экологик қонунчилигимизда белгиланган фуқароларнинг бурч ва мажбуриятлари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий захиралардан оқилона фойдаланишни таъминлашда ёш авлоднинг ўрни хусусида сўз юритилди. “Жонли табиат” мавзуида расмлар танлови, табиий фанлар бўйича викторина, спорт мусобақалари уюштирилди. Ўқувчилар томонидан тайёрланган маданий дастур тадбирга янада файз киритди.

(ЎзА)

СУҒУРТА СОҲАСИДАГИ ЭНГ ЯХШИ МУТАХАССИСЛАР АНИҚЛАНДИ

Жорий йилнинг 1-4 июнь кунлари Суғурталаш ва қайта суғурталаш бўйича IX Тошкент халқаро форуми бўлиб ўтди.

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компанияси бош ҳомийлигида “Saipro” ахборот-рейтинг агентлиги томонидан Ўзбекистон суғурта бозори профессионал иштирокчилари, Бош Араб суғурта федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу форумда вазирлик ва идоралар, суғурта, лизинг, аудиторлик ва инвестиция компаниялари, рейтинг агентликлари, халқаро молия институтлари вакиллари қатнашди.

Бир неча йилдан бери анъанавий ўтказилиб келинаётган мазкур нуфузли тадбир суғурталовчилар ва суғурта бозорининг бошқа қатнашчилари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатиш ва мустаҳкамлаш, фойдали хорижий тажрибани ўрганиш ва ўзлаштиришга кўмаклашиб келмоқда.

Суғурта соҳасида катта тажрибага эга хорижий ва миллий мутахассисларнинг маъруза ва тақдимотлари мамлакатимиздаги суғурта компаниялар фаолияти, улар томонидан тақдим этилаётган хизматларни янада ривожлантириш ҳамда суғурта соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш имконини беради. Форумда “Ўзбекинвест” компаниясининг ҳудудий филиалларидан вакилларнинг иштирок этаётгани тадбирда кўтарилган масалаларнинг жойларда ҳам татбиқ этиш ва келгусида ҳудудларда суғурта хизматларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Форум секцияларида миллий ва халқаро суғурта бозорларида мавжуд замонавий тенденциялар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари, суғурталашнинг халқаро турлари ва миллий бозорнинг ривожланишида қайта суғурталаш муносабатлари кўриб чиқилди. Шунингдек, халқаро иштирокчилар Ўзбекистон суғурталаш соҳасининг салоҳияти ва инвестицион имкониятлари билан танишдилар.

Форум якунида суғурта соҳасидаги “Олтин соябон” жамоатчилик мукофоти лауреатларини тақдирлаш маросими ўтказилди. “Ўзбекинвест” компаниясининг қалтисликларни бошқариш ва қайта суғурталаш департаменти бош менежери Алишер Асатуллаев “Йилнинг суғурта соҳасидаги энг яхши мутахассиси” совриндори бўлди.

“Туркистон-пресс”

Президентимизнинг 2016 йилни Соғлом она ва бола йили деб эълон қилганликлари нафақат оналар, балки келажагимиз бўлмиш болаларнинг ҳам соғлиғи нақадар муҳим ва долзарб масала эканлигининг яна бир бор эътирофидир.

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

СОҒЛОМ БОЛА ТАРБИЯСИ — СОҒЛОМ ОНАЛАР ҚЎЛИДА

Инсоният тарихининг ҳамма даврларида аёллар жисму жонлари эркаклардан кўра нозикроқ ва заифроқ бўлишига қарамай, ақлу заковати, фаҳму фаросати билан улардан қолишмасликларини, балки айрим фазилатлари билан улардан устун ҳам эканликларини исботлаб келганликлари маълум.

Аёллари тарбияли ва илмли бўлган халқнинг болалари ҳам тараққиётга интилувчан, янгиликларни тез ўрганиб, ўз ҳаётига татбиқ қила оладиган, шижоатли ва ғайратли бўлиб вояга етишлари аниқланган.

Бир нарсани ёддан чиқармаслигимиз керак: аждодларимиз бўлмиш Алишер Навоий, Имом Бухорий, Ат-Термизий, Амир Темур, Улуғбек, Бобур каби буюк инсонларни буюк оналар тарбиялаб, вояга етказган. Аслида ҳар бир миллатнинг тараққиётдан орқада қолиши оилада фарзанд тарбиясига етарлича эътибор берилмаслиги натижаси десак, янглишмаймиз. Шу боис илм ўрганиш, билимли бўлиш ҳар бир аёл учун ҳам фарз, ҳам қарз ҳисобланади.

Айниқса оналарнинг бу борадаги бурч ва масъулияти беқиёсдир. Шу боис илмли аёллар она бўлиш бахтига муяссар бўлгач, фарзандларига замон талабига мос тарбия беришдек юксак вазифани ўз зиммасига олади. Бу шарафли ва улуғ вазифа эканлиги баробарида, оналардан оғир, машаққатли меҳнатни ҳам талаб этади.

Албатта, аввало ота-оналарнинг ўзлари одобли-ахлоқли, яхши тарбия кўрган бўлишлари зарур. Оналар учун фарзанд тарбияси энг гўзал, энг шарафли вазифалардан биридир. Фарзанд тарбиясида улар ўз диққатларини қуйидаги эзгу амалларини бажармоққа қаратмоқликлари зарур.

Фарзанд туғилгач, чақалоқнинг ҳар томонлама соғлом, жисмонан бақувват, шунингдек руҳан тетик бўлиб улғайиши бош мақсад бўлиши шарт. Ҳатто туғилишидан олдин ҳам бу масалага эътиборни сусайтирмаслик зарур. Оналар истеъмол қилаётган таомлари ҳалол меҳнат эвазига топилган ризқ-насибадан иборат бўлмоғи керак. Ҳомиланинг соғлом ривожланиши бевосита ва билвосита шунга боғлиқ. Фарзанд дунёга келгач, юқоридаги талабларга амал қилган ҳолда, чақалоқни илк кунларданоқ ўз вақтида ва меъёрида овқатлантириш, ухлатиш, ювинтириш, тоза ҳавода сайр қилдириш муҳим аҳамиятга эга. Бу вазифаларни бошқа бировнинг қўлига топшириб қўймасдан, мумкин қадар оналар ўз зиммасига олиши керак.

Аввало оналар ўзлари ибрат бўлиб, ўқиш, илм олиш севимли машғулот эканлигини эътироф этган ҳолда, фарзандларида ҳам гўдаклигидан илм олишга, ўқишга муҳаббат уйғотмоқликлари зарур. Фарзандларининг мактаб қучоғида таҳсил олиш даврида ҳам ўқиш, дарсларни вақтида ўзлаштириши, уй вазифаларини бажариши устидан назорат ўрнатишлари, мактаб ўқитувчилари билан доимий мулоқотда бўлишлари талаб қилинади.

Оналар қизларига ёшлигидан бошлаб уй-рўзғор ишларини оз-оздан ўргатиб боришлари зарур. Улар балоғатга етгунча идиштовоқ ювиш, уйларни супуриш-сидириш, озода тутиш, бичиш-тикиш каби ишларни ўрганиб олсалар дуруст бўлади. Қизлар ўсмирлик ёшига етгач эса, дастурхон безаш қоидалари, овқат пиширишлар, ширин пиширикларни тайёрлаш каби ишларни уддаласалар нур устига аъло нур. Бу жараёнда фарзандларга озодаликка риоя қилиш, саранжом-саришталик хислатларини ҳам сингдириб бориш муҳимдир.

Катталар ҳузурида қилиш мумкин бўлмаган ишларни болалар олдида ҳам қилмаслик керак. Гап орасида сўкиш, қарғиш сўзларни ишлатиш одатингиз бўлса, уларни талаффуздан чиқариб ташланг, болалар бу сўзларнинг маъносини англамай, тенгдошлари орасида ёки меҳмондорчилик чоғида сизга тақлид қилган ҳолда ишлатиб юбориши мумкин. Фарзандингиз инжиқ ва ўжар, йиғлоқи бўлиб улғайишини истамасангиз, улар хоҳлаган, сўраган нарсаларни дарҳол муҳайё қилиб бераверманг. Агарда гўдак бир соат тортинчоқ, эринчоқ бўлиб ўсаётган бўлса, аксинча, унинг кўнгли истайдиган ва кўзи тушганда ғайратга киришадиган нарсаларни топа билиш талаб қилинади.

Фарзандларни кўп ухлашдан, ялқовликдан, дангасаликдан асраш керак. Уларнинг доимо ҳаракатда бўлишларига, жисмоний меҳнат қилишларига эътибор бериш даркор. Оиланинг тинчлиги, осойишталиги, саранжом-саришталиги оила аъзоларининг саломатлиги, бир-бирига меҳр-муҳаббатли, садоқатли бўлиши мана шундай фазилатларга боғлиқ эканлигини унутмайлик. Ота-оналар юксак одоб-ахлоқ эгаси, ақлли, доно, меҳрибон, самимий, камтарин, заҳматкаш, тадбиркор бўлсалар, кундалик турмуш, оила ҳаёти ниҳоятда фаровон ва кўнгилли ўтади. Шундай муҳитда тарбия олаётган фарзандлар ана шу фазилатлардан баҳраманд бўлиб, ҳамма ҳавас қиладиган, меҳнаткаш, қўли гул, ғамхўр бўлиб улғаяди.

Биз ўзбекларда "Онасини кўриб, қизини ол", деган ажойиб нақл бор. Бу ибора юқорида таъкидланганидек, оналарнинг бола тарбиясидаги ўрнини лўнда ва қисқа ифода этган.

Оилада она зиммасига мана шундай масъулиятли вазифа юклатилган, лекин уни муваффақиятли бажариш ва оилада соғлом болани тарбиялаш ишида оталарнинг вазифаси ҳам унданда юксак.

Ҳамиджон ТОҲИРЖОНОВ



Отабек Мирсоатов олган сурат

ЖАҲОН ТИЛЛАРИ ВА МАДАНИЯТИ НАМОЙИШИ

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида жаҳон тиллари ва маданияти фестивали бўлиб ўтди. Унда университет профессор-ўқитувчилари, талабалар, мамлакатимиздаги дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари иштирок этди.

Университет ректори Ш.Қаюмов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида ёшларга таълим-тарбия бериш жараёнида уларнинг хорижий тилларни пухта ўзлаштиришига алоҳида эътибор қаратилаётгани ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2013 йил 23 майдаги "Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорлари бу борада муҳим дастурламал бўлиб хизмат қилаётир.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида олти мингдан зиёд талаба таҳсил олади. Бу ерда таълим жараёнини халқаро стандартларга мослаштириш, ўқитишга замонавий педагогик технологияларни кенг жорий этиш, талабаларнинг давр билан ҳамнафас яшаши, дунё ёшлари билан интеграциялашиши, маданияти ва маънавиятини юксалтиришига алоҳида эътибор берилмоқда. Мазкур фестиваль бу борадаги ишлардан биридир.

Фестивалда Ўзбекистон билан бирга Франция, Буюк Британия, Испания, Германия, Хитой, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Япония, Малайзия каби йигирмага яқин мамлакатнинг маданияти, санъати, миллий анъана ва урф-одатларини акс эттирувчи кўргазмалар ташкил этилди.

Ўзбек миллий рақслари билан бошланган фестиваль хитой, япон, ҳинд, инглиз, поляк, немис, француз, рус, араб халқлари маданиятини мужассам этган бадий чиқишлар, саҳна кўринишлари, қўшиқ ва рақслар билан давом этди.

– Ўзбек халқининг миллий урф-одатлари ғоят мафтункор, – дейди Жанубий кореялик Жонг Ву. – Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида икки ой давомида ўзбек тилини ўрганиш жараёнида унинг нақадар бой ва сержило эканига яна бир бор амин бўлдим. Бугунги тадбирда ўзбек миллий куй-қўшиқлари, анъаналари акс эттирилган намойишлар халқингиз маданиятига бўлган меҳримни янада оширди.

Бу каби фестиваллар талабаёшларда дўстлик, бағрикенглик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғуларини янада юксалтиради.

А.ҚИЁСОВА,
ЎзА мухбири

ЯНГИ ДИЗАЙН ВА МИЛЛИЙЛИК УЙҒУНЛИГИ

...Мусиқали композиция остида тажрибали моделларга хос қадам ташлаб, подиумда либос намойиш этаётган Мубина Исмоилова эндигина тўрт ёшни қаршилаган. Эгнидаги ярашиб турган кўркам либоси, шунга мос соч турмаги қизалоқни жажжи маликага айлантириб қўйгандек...

Пойтахтимизда бўлиб ўтган "Болажонлар – ширинтойлар" болалар мода фестивали ҳақиқий байрамга айланди. Ёшлар ижод саройида жажжи моделлар, ота-оналар, модельер дизайнерлар ва ёш ижодкорлар йиғилди.

"Осиё рамзи" Ўзбекистон дизайнерлар ва модельерлар уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган "Болажонлар – ширинтойлар" болалар мода фестивали болажонлар учун ҳақиқий туҳфа бўлди.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида ташкил этилган фестивалда болаларга, ўсмирларга, она ва болага ҳамда бўлажак оналарга мўлжалланган, миллий ва замонавий анъаналаримизни ўзида мужассам этган сержило, бежирим либослар коллекцияси томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири У.Иноятов, "Осиё рамзи" Ўзбекистон дизайнерлар ва модельерлар уюшмаси раиси Х.Комилова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий либослар ва дизайн санъатини янада ривожлантириш, ёш модельерларнинг ижодий изланишларини қўллаб-қувватлашга қаратилаётган доимий эътибор хусусида сўз юритди. Фестиваль болалар учун ҳар жиҳатдан қулай либослар яратилишига, шу билан бирга модельерлар, рассом ва дизайнерлар, қўли гул чеварларнинг ижодини халқимизга яқиндан таништиришга хизмат қилади.

Мамлакатимизда тўқимачилик ва енгил саноатни изчил равнаж топтириш жараёнида болалар учун маҳаллий хомашёдан қулай ва енгил, миллий ва жаҳон модасининг энг яхши анъаналарини уйғунлаштирган кийим-кечаклар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Анъанавий тарзда ўтказилаётган болалар мода фестивали ҳам маҳаллий хомашё, миллий матолар асосида ўғил-қизларнинг ёши, дунёқараши, руҳиятига мос либослар яратиш, бу йўналишда изланаётган ёш дизайнер ва модельерлар, рассомлар фаолиятини қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этаётир.

Мазкур тадбир тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, болалар, ёшлар ҳамда ота-оналарнинг бадиий-эстетик дидини ўстиради. Намойиш этилаётган кўркам либосларда миллий анъана ва қадриятлар, санъат ва маданият намуналари ўз аксини топган. Уларнинг яратилишида кийим ва кийиниш маданияти, эстетик тарбия, менталитет ва ҳудудимиз иқлим шароитининг ўзига хослиги эътиборга олинган.

Фестивалда дизайнерлар томонидан тақдим этилган тўпламлар томошабинларга ҳавола этилди. "Томоша", "Тантана" ва "Diamonds kids" болалар ижодий гуруҳларининг ёш моделлари, шунингдек, "Колибри" арт-бюроси мода мактабининг уч ёшдан ўн беш ёшгача бўлган 180 нафар тарбияланувчиси турфа рангдаги нафис либосларни намойиш этди.

– Либослар намойишида уч йилдан буён модель бўлиб иштирок этаман, – дейди "Тантана" болалар ашула ва рақс ансамбли аъзоси Абдулазиз Абдуваҳобов. – Ҳар гал ўзгача кўринишдаги жуда чиройли ва қулай либосларни кийганимда кайфиятим кўтарилиб, қувончим ичимга сиғмай кетади. Тадбирда иштирок этиб, модельер дизайнерлик касбига меҳрим ортди. Келажакда мен ҳам моҳир дизайнер бўлмоқчиман.

Фестиваль уч босқичда ўтказилди. Биринчи босқичда юзга яқин дизайнер иштирок этиб, унда либос тўпламлари эскизлари саралаб олинди. Иккинчи босқичда либоснинг конструкциясига, инсон қоматига мослиги ва технологик ишлов берилишига аҳамият берилди. Учинчи босқичда 59 нафар дизайнер томонидан яратилган, безак ва аксессуарлар билан уйғунлашиб, тўкис ансамблни ташкил этган 40 либослар тўплами саралаб олинди. Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Андижон, Қўқон, Фарғона ва Самарқанд вилоятларидаги профессионал дизайнерлар билан бирга, олий ўқув юртлари талабалари, коллежлар ўқувчилари ҳам иштирок этди.

– Бу фестивалда иштирок этишни орзу қилиб юрардим, – дейди Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти талабаси Нодира Табибова. – Батик усули ёрдамида, яъни шифон матосини турли ранглар ёрдамида бўяб, болажонларга ёзги туркум либослар тайёрладим. Либосларим кийиш учун қулай бўлсин деб кенг бичимни танладим. Тадбирда иштирок этиб, болалар модасига оид энг сўнгги маълумот ва янгиликларни олдим, соҳада эришилган ютуқлар билан танишдим, етук дизайнерлар маслаҳатидан баҳраманд бўлдим.

Фестивалнинг биринчи кунида касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ўқувчилари ва ҳаваскор рассомларнинг ижодий ишлари, иккинчи кунида малакали дизайнерлар томонидан либослар коллекцияси намойиш қилинди.

Соғлом она ва бола йили муносабати билан оилавий либослар тўплами, яъни она ва бола учун ҳамда бўлажак оналарга мўлжалланган миллий ва замонавий либослар ҳам тақдим этилди.

Ҳакамлар ҳайъати ижодий ишларни "pret-a-porter", миллий ва спорт услуби, байрам либоси, мактаб формаси, оилавий либос тўплами, бўлғуси оналар учун либос номинациялари бўйича баҳолади.

Дизайнерлар Дилёра Каримова, Маргарита Исакова, Наргиза Ўрозова, Зебунисо Ғаниева, Севара Зуфарова, Умид Комилов, Шаҳзод Маҳмудов, Камола Жўраева, Шаҳноза Қобилова, Умида Ҳамидова ғолиб деб топилди. Уларга махсус сертификат ва эсдалик совғалари топширилди.

Фестивалда тақдим этилган болалар либосларининг дастлабки намуналари мамлакатимиздаги тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарида кенг миқёсда ишлаб чиқариш учун тавсия этилади.

Гўзал САТТОРОВА,
ЎзА мухбири

Донишмандан сўрашибди: "Бу дунёда мўъжизалар борми?". "Бор", – дебди у. – "Қуёшнинг чиқиши чинакам мўъжиза", – дея таъкидлабди фозил киши. Албатта уни кўра билиш, қадрига етиш керак.

Огоҳлик — давр талаби

ОСУДА ҲАЁТИМИЗ ШУКУҲИ

Ҳар тонг тинчлик-осойишталикда офтоб барчага баравар нур сочсада, она табиатнинг ушбу илоҳий неъматини, сахийлигини биров қадрига етиб ундан унумли фойдаланади, кимдир ғофил қолади. Инчунун, ҳар ким охир-оқибат экканини ўради. Бор жойда – бол арзон, йўқ жойда – туз қиммат деганлари рост. Истаймизми йўқми яшаш қонуниятлари шу тарзда кечади. Ҳаёт саҳнида яшаш учун кураш бир зум тўхтамаслиги ҳамиша инсонни сергакликка чорлайди. Шунинг учун ҳар бир одам вақти-вақти билан ўзини тергаб, саволга тутиб туриши фойдадан ҳоли эмас. Ким ўзи у? Ҳаётда нималарга улгурди, умуман ўрни борми унинг? Жамият, одамлар, Ватан учун нима қилди? Эртага келажаги қандай бўлади? Ана шу мураккаб ва тотли бўлган ўзликни англаш жараёни эса ҳар кимда ҳар хил кечади.

Чунки, офтоб ўша – ўша бўлгани билан одамлар ўзаги ўзгача. Дунёқараши, билими, тарбияси, ватанпарварлик бурчини ҳис этиш масъулияти, маънавий қиёфаси, ҳуқуқий маданияти, фикрлаш тарзи ва албатта манфаатлари... Аслида "яхши фарзанд – эл ғурури" дейдилар. Фарзандининг комил инсон бўлишини орзу қилган ҳар бир ота-она келажакда уни халқ ҳурматига сазовор бўладиган инсон қилиб ўстиришга ҳаракат қилади. Жамиятга, юртига фойдаси тегадиган, дахлдорлик ҳиссини туядиган, тинчлиги – осойишталигини асрашга доимо шай турадиган асл ватанпарвар авлодни ўстириш борасида мамлакатимизда барча шарт – шароитлар муҳайё этилганлиги фахрланарлидир.

Бугун юртимиз озод, дунё ҳамжамиятида муносиб ўрнимизга эга бўлмоқдамиз. Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги каби асосий эзгу ниятларимиз билан ривожланган давлатлардан кам бўлмасдан яшашни орзу қилаяпмиз, интилаяпмиз. Ютуқларга эришиш учун бошқалар аллақачон юриб улгурган қулай йўлдан боришни ҳамма билади, лекин шу ижобий натижаларнинг самарадорлигини янада ошириш учун ноқулайликдан қулайлик излаш ва топиш учун эса изланиш, сабр, тинимсиз меҳнат қилиш талаб этилади. Президентимиз: "Менинг энг катта ишончим ва умидим – бугун замонавий билим ва тарбия олаётган, эндигина кучга кираётган ёшларимиз, фарзандларимиздир" – деб бежиз ишонч билдирмаганлар.

Эндиликда, ҳеч бир давлат дунёдан узилган ҳолда яшай олмайди. Замонадан ортда қолмасдан кундан-кунга ривожланаётган ахборот-технологияларидан тўғри йўлда фойдаланиш ҳамма учун бирдек аҳамиятли. Илғор замондошларнинг аксарияти дориломон яшаётганини оммавий ахборот воситалари ҳар куни кўрсатиб турибди. Бугунги ёшлар ватанимизни жаҳонга танитмоқда десак муболаға бўлмайди. Улар мукаммал эгалламаган соҳанинг ўзи йўқ. Яхши хулқ – яхшилик алоқи. Акс ҳолда билимсиздан жаҳолат, жаҳолатдан жиноят келиб чиқади. Шунинг учун, уларнинг ижтимоий ҳаёт, илм-фан, қонунчилик, санъат, маданият ва спортда, кўплаб бошқа жабҳаларда юксак натижаларга эришиб мустақил мамлакатимизнинг довруғини етти иқлимга танитаётгани кўнгилларга нур олиб киради.

Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик юртимиз тараққиёти йўлида амалга оширилаётган хайрли ишларнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг тегишли соҳавий хизматлари ходимлари томонидан кеча-ю кундуз тинчлик-осойишталикни таъминлаш бўйича жойлардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари, жамоат ташкилотлари, ўқув юртлари ва бошқа идоралар билан олиб бораётган профилактик чора-тадбирларнинг алоҳида ўрни бор. Юртимизнинг эркин демократик жамият қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатларини таъминлаш учун ички ишлар органлари ходимлари томонидан биринчи навбатда огоҳлик, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни фош этиш, ёнғин ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларга қонунларни тарғиб этиш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида мунтазам равишда профилактик ишлар олиб борилмоқда.

Жаҳонда сиёсий курашлар жараёни тобора кескин тус олиб бораётган ҳозирги кунда дунё бўйлаб халқаро террор йўлини танлаган бир тўда қабиҳ ниятли кучлар ўз манфур мақсадларига эришиш учун одамларни йўлдан оғдиришга, чалғитишга уринмоқдалар. Интернетнинг айрим сайтлари орқали маънавиятимизга салбий таъсир этувчи бузғунчи ғоялар кириб келмоқда. Дунё бўйича трансмиллий жиноятчиликнинг энг хавфли турлари: халқаро терроризм, наркотик моддалар билан савдо қилиш, одам савдоси жиноятлари салбий таъсир этмоқда. Оммавий ахборот воситалари тарқатаётган хабарларга қараганда бугунги кунда дунё миқёсида 200 миллион нафардан зиёд одам гиёҳвандликнинг "қули"га айланиб қолган.

Ачинарлиси шундаки, гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилувчиларнинг сони йилдан йилга, асосан ёшлар орасида кўпайиб бораётгани барчани бирдек ташвишга солади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, бу оғу ҳар йили 200 мингдан ортиқ кишининг ёстиғини қуритмоқда. Шу билан бирга, жаҳонда содир этилаётган жиноятларнинг 57 фоизи гиёҳвандлар ҳиссасига тўғри келади. Ҳар хил террорчи ташкилотларнинг асосий молиявий таъминот манбаларидан бири гиёҳвандлик воситалари савдоси эканлиги ҳам бугунги кунда сир эмас.

Юртимизда яратиб берилаётган шароитлардан эзгу мақсадларда фойдаланиш ўрнига эътиқод ва иродалари сустлик қилиб, турли оқимларга кўр-кўрона эргашиб, охири фожиали йўлларга кириб қолаётган ғофил кимсалар онда-сонда бўлсада учраб турибди. Натижада улар осонгина дарёга сувсиз олиб бориб, сувсиз олиб келадиган "олғир"ларнинг ўлжасига айланмоқдалар.

Бу жиноятлар бугунги кунда жаҳон миқёсидаги глобал муаммолардан бирига айланган ва мамлакатимизда ички ишлар органлари ходимлари томонидан бундай қабиҳликларга йўл қўймаслик, уларнинг олдини олиш, фош этишга қаратилган профилактик тадбирлар олиб борилмоқда. Шундай экан, жамиятимизда, айниқса ёшлар онгида бўшлиқ пайдо бўлмаслиги, унинг ўрнини эзгу мақсад ва ғоялар билан муттасил тўлдириб бориш, ҳар биримизнинг ҳам фуқаролик, ҳам инсонийлик бурчимиздир.

Мирзаумар ХАЛИЛОВ,
ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси ходими

Спорт янгиликлари



Оқил Ғуломов олган сурат

ШАХМАТЧИ БОЛАЛАР БЕЛЛАШДИ

Пойтахтимиздаги болалар ва ўсмирлар шахмат мактабида ўқувчилар ўртасида мамлакат чемпионати баҳслари ўз ниҳоясига етди.

Турнир давомида етти ёшдан ўн беш ёшгача бўлган иқтидорли болалар ўртасида қизғин беллашувлар бўлиб ўтди. Таъкидлаш жоизки, чемпионатда асосан Тошкент шаҳри вакиллари ғолиб ва совриндорлар қаторидан ўрин эгаллашди. Шунингдек, бу галги баҳсларда асосан оқ доналарда ўйнаган шахматчилар кўпроқ ғалаба қозонишди.

Мусобақада Одина Олимова, Алихон Авазхонов, Рухшона Раҳимбердиева, Абдулвосит Шарифжонов, Умида Омонова, Олмос Раҳматуллаев, Дилбар Ҳамраева, Сухроб Аввалбоев, Асал Салимова, Фотих Абдухолиқов ғолиб бўлдилар.

КУЧЛИ БАДМИНТОНЧИЛАРИМИЗ ҒОЛИБ

Пойтахтимиздаги "Чорсу" бадминтон марказида ушбу спорт тури бўйича ёшлар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионати беллашувлари ўтказилди.

Республикамизнинг турли ҳудудларидан келган ёш иқтидор эгалари ўртасидаги баҳсларда Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси учун таркиб ва номзодлар саралаб олинди. Беллашувлар давомида Тошкент шаҳри, Андижон ва Бухоро вилояти жамоалари билан бир қаторда Сирдарё ва Навоий вилояти вакилларининг ҳам совринли ўринлардан жой эгаллаши кўпчиликни хушнуд этди.

Мусобақа ёш тоифасига қараб яккалик ва жуфтлик баҳслари бўйича ўтказилди. Бадминтон бўйича Ўзбекистон чемпионати ғолиблари билан танишинг: 17 ёшлилар — Е.Баринова, А.Хўжаев, 18 ёшлилар — У.Йўлдошева, Ш.Зоҳидов, 20 ёшлилар — Д.Аҳмедова, И.Сатторов, жуфтликда — М.Ғофурова ва Д.Аҳмедова, А.Зарипов ва М.Казаков, микстда — Ф.Сидарюк ва Е.Баринова.

Кўп йиллардан буён бир қанча нуфузли мусобақаларни юқори савияда ўтказиб бераётган азим пойтахтимиз эндиликда яна бир катта турнирни ўзида қабул қилиши мумкин.

НАВБАТ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА

Яқиндагина оғир атлетика бўйича ўтказилган Осиё чемпионатидан сўнг халқаро оғир атлетика федерацияси 2018 йилги ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатини ўтказишни Тошкент шаҳрига топшириши мумкин. Бу мусобақани ўзида қабул қилишга пойтахтимиз билан бирга Минск (Беларусь), Пхеньян (КХДР) ва Анахайм (АҚШ) шаҳарлари ҳам асосий даъвогарлар қаторида туришибди.

Мезбон шаҳар шу ойнинг 22-23 санасида Грузиянинг Тбилиси шаҳрида бўлиб ўтадиган навбатдаги конференцияда аниқланади. Кўпчилик мутахассислар фикрига кўра Тошкент ва Анахайм шаҳарлари қолган талабгорлардан кўра яхшироқ имкониятга эга.

Ботир ХЎЖАЕВ

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида талабаларнинг ФИФАнинг энг яхши ҳаками, қитъамизнинг кўп карра энг яхши ҳаками, жаҳон чемпионатлари иштирокчиси, Ўзбекистон ифтихори, "Буюк хизматлари учун" ордени соҳиби Равшан Эрматов билан учрашуви бўлиб ўтди.

ИЛИҚ ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ

Унда Равшан Эрматов йиғилганларга футболга кириб келиши жараёни ва бу жараёнда юзага келган қийинчиликлар, ҳакамлик фаолиятининг бошланиши, 2010-2014 йилларда ташкил этилган футбол бўйича жаҳон чемпионатларидаги иштироки, халқаро учрашувлардаги эсда қолармаслик воқеалар, футбол оламида юз бераётган янгиликлар ҳақида сўзлаб берди. Савол-жавоб тарзида ташкил этилган учрашувда Равшан Эрматов талабалар томонидан берилган саволларга жавоб қайтарди.

Ушбу мароқли учрашув барча йиғилганларда илиқ таассурот қолдирди.

МЕЗБОНЛАР НОМИ МАЪЛУМ БЎЛДИ

Футбол бўйича жорий йилги Ўзбекистон Кубоги чорак финалида биринчи бўлиб қайси жамоалар ўз уйларида ўйнашларини аниқлаш мақсадида қуръа ташланди.

Ўзбекистон Кубоги чорак финалининг биринчи учрашувлари 5-6 июль куни ўтказиладиган бўлди.

Энди эътиборингизга Ўзбекистон Кубоги чорак финали биринчи учрашувларида қайси жамоалар бир-бирига рақиб бўлиши ҳақида маълумот берамиз.

5-6 июль кунлари "Кўқон-1912" — "Бухоро", "Андижон" — "Насаф"

"Бунёдкор" — "Металлург"

"Машъал" жамоаси "Локомотив" ҳамда "ЎзДонгЖу" жамоалари ўртасида ўтадиган кубокнинг нимчорак финал баҳси ғолиби билан ўз майдонида ўйнайди.

Ўзбекистон Кубоги чорак финалининг иккинчи учрашувлари 8-9 июль кунларига белгиланган.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

"101"

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛАЙЛИК

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда, аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларини тушунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича учрашувлар ташкиллаштирилаяпти.

Амалга оширилаётган тадбирлардан кўзланган мақсад аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни кучайтириш, ёнғинларнинг олдини олишга аҳолини жалб қилишдан иборат. Тилсиз ёв билан курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг иши эмас. Бу ҳар бир фуқаронинг бурчидир. "Ўз уйингни ўзинг асра" деган шиор ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, корхона, муассаса учун тааллуқлидир. Аҳолининг қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

- Очиқ алангадан фойдаланилаётганда эҳтиётқорлик чораларини кўриш.
- Электр ва газ асбобларини доимо соз ҳолда тутиш ва носоз ҳолда, қўлбола тайёрланган электр ва газ асбобларидан фойдаланмаслик.
- Белгиланган жойларда чекиш.

Юқоридагига ўхшаш қоидаларга риоя қилинса ҳар бир фуқаро йиллаб йиққан мол-мулкини, уй-жойини, қолаверса ўзини ва яқин кишиларининг ҳаётини асраб қолган бўлади. Кўплаб фуқароларимиз қўлбола ясалган газ ва электр ускуналаридан фойдаланиб, натижада нафақат уйларидан,балки ўз ҳаётларидан ҳам ажралиб қолмоқдалар. Агарда биз оддий ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилсак, уйимизда ёнаётган олов бизга фақат дўст сифатида хизмат қилади.

Болалар бизнинг келажагимиз, уларни асраб-авайлаб Ватанимизга содиқ, ҳар тарафлама етук инсон бўлиб камол топишларига биз жавобгармиз. Шундай экан, ҳар биримиз қаерда бўлсак ҳам улардан насиҳатларимизни, ҳаёт учун керакли сабоқларимизни ҳеч қачон аямайлик. Нима учун ҳаётга талпинаётган мурғак бир гўдак бизнинг лоқайдлигимиз оқибатида оташ қурбони бўлиши керак? Ҳеч ким ўз фарзандининг ногирон бўлиб қолишини хоҳламайди, албатта. Ёнғин эса бир неча сонияда мол-мулкдан ва яқинлардан ажрата оладиган бир офатдир.

Олов ҳеч кимни ва ҳеч нимани аямайди. Ер юзида ҳар куни содир этилаётган ёнғинлар эса неча-неча инсонларнинг ҳаётига зомин бўлиб қолмоқда. Ҳар биримиз ҳаётда оловдан фойдаланамиз. Лекин ҳамма ҳам оловдан тўғри фойдаланишни билавермайди. Агар биз кундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнғинларни таҳлил қилиб чиқадиган бўлсак, аксарият ҳолларда бундай офатлар ўзимизнинг бепарволигимиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслигимиз оқибатида юзага келаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Билиб туриб ўзларини ва мол-мулкини хатарга қўйишади. Кўпчилик фуқаролар уйларида электр тизимини ўзлари билганича хавфсизлик қоидаларига риоя қилмасдан таъмирлашади. Худди шундай ҳолатларни корхона, ташкилот, аҳоли турар жойларида ҳам учратиш мумкин. Баъзи бир бефамроқ бекаларимиз эса газ плитасида овқат қолдириб ёнғин сабабчиси бўлиб қолмоқдалар. Ёнғин уй қурилмалари ва жиҳозларини кулга айлантиради. Ушбу офат кўплаб инсонлар ҳаётини, соғлиғини, ёшлигини ўзи билан олиб кетади. Бир умрга мажруҳга айлантиради. Шунинг учун биз ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари маҳалла фаолларини, барча инсонларни, хонадон эгаларини, фарзандларимизни огоҳликка чақирамиз.

М.КАРИМОВ,
12-ХЁХО катта инспектори, сержант

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри кўчаларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бориш, транспорт коммуникациялари инфратузилмасини янада такомиллаштириш, шаҳар аҳолисига транспорт хизматини яхшилаш ва пиёдаларга қулайлик яратиш мақсадида бир қанча ҳудудларда бузиш ишлари олиб борилмоқда.

Ушбу ҳудудларда уй-жойлари бузилишга тушган оилаларни турар жой билан таъминлаш ишлари Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ белгиланган тартиб асосида, кўп қаватли уйларда жойлашган хусусий квартирасини туман ҳокимликлари ихтиёрига топширувчи фуқароларга ер участкалари ажратиш эвазига амалга оширилмоқда.

Ҳозирда, якка тартибдаги турар жой қуриш учун ер бўлаги олиш истагида бўлган фуқаролар, Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги "Қизғалдоқ" ва "Хонобод" фермер хўжалиги ерларидан (мўлжал: Олмазор туманидаги "Бешқўрғон" даҳаси рўпарасида ва Сергели тумани Қўйлиқ-5 даҳаси рўпарасида), ўзларининг хусусий квартирасини туман ҳокимликлари ихтиёрига топширишлари эвазига олишлари мумкинлигини маълум қиламиз.

Маълумот учун манзил ва телефонлар:

Олмазор тумани, Сағбон кўчаси, 166-уй (мўлжал: "Гузарбоши" МФЙ), тел: (+95) 199-22-52;

Шайхонтоҳур тумани, Оқилхон Шарофуддинов кўчаси, 10-уй (мўлжал: Ўқув даволаш тиббиёт коллежи), тел: (+94) 688-88-77, (+95) 193-03-13, (+97) 745-33-36.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси жамоаси Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 2-сонли ДНИ нотариуси Сайёра Мадалиевага онаси
Тожиниса МАДАЛИЕВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ҳақ сўзнинг мақоми ҳамиша баланд бўлади.

* * *

Бахтини йўқотган ахтариб тополмайди.

* * *

Нодон ўз илдизига болта уради.

* * *

Миннатли яхшилик ёмонликдан баттар.

* * *

Кимнинг қўли гул, кимнинг кўнгли.

* * *

Ёлғон бамисоли кийимга қўнган чанг – бир қоқсанг учиб кетади.

* * *

Кимга тили душман, кимга дили.

* * *

Қаноатсиз – саодатсиз.

* * *

Сен одамларни билмасанг ҳам, одамлар сени билишади.

* * *

Инсоннинг табиати тақдирини белгилайди.

* * *

Вақтдан азизи, бахтдан лазизи йўқ.

* * *

Соғликнинг қадрини бемордан сўра.

* * *

Ҳамияти йўққа аҳамияти йўқ.

* * *

Гап уқмасга панд юқмас.

* * *

Ўзига қанчалик юқори баҳо беришига қараб ҳам кишининг нодонлик даражасини билса бўлади.

* * *

Шубҳа-гумоннинг илдизи қўрқувда.

* * *

Товламачининг тавбаси янги товламачилигидир.

* * *

Бу дунёда бир куни келиб фош бўлмаган сир йўқ.

* * *

Ўзининг фойдасига қолганда ҳеч ким бировнинг маслаҳатига муҳтож эмас.

* * *

Кўнгил ҳеч қачон тўлмайди.

* * *

Энг оддий ҳақиқатга етиш учун ҳам баъзида узоқ йўл босишга тўғри келади.

* * *

Бировдан айб излашнинг ўзи айб.

* * *

Ёмон кайфият билан яхши иш қилиб бўлмайди.

* * *

Гап ўтади, иш қолади.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **8 июнь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 20-22, кундузи — 37-39 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **8 июнда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-4227

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 655

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ. офсет усулида босилади. 10042 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 13.50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ